

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ  
ЯҲЁ ҒУЛОМОВ НОМИДАГИ АРХЕОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАҲСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ  
ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

**А К А Д Е М И К**

**АҲМАДАЛИ АСҚАРОВнинг  
илемий, ижодий ва педагогик  
фаолияти**


**Тошкент - Самарқанд – 2005**

## **Ўзбекистон олимлари биографиясига доир материаллар**

Маъсул мухаррир А.А. Анорбоев

Муаллифлар ва тузувчилар  
Б. Абдуллаев, Ў.Мансуров, М.Эсонов

©ЎЗР ФА Археология институти





## АКАДЕМИК АҲМАДАЛИ АСҚАРОВНИНГ ИЛМИЙ, ИЖОДИЙ ВА ПЕДАГОГИК ФАОЛИЯТИ

Ўзбекистон ФАнинг академиги, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, Абу Райхон Беруний номидаги давлат мукофотининг лауреати, тарих фанлари доктори, таникли тарихчи-археолог олим, археология фанининг чукур билимдони, ташкилотчи раҳбар, эзгулик йўлини ўзининг ҳаёт тамойили қилиб олган устоз ва бағри кенг инсон, профессор Аҳмадали Аскаров бу йил 70 ёшга тўлди.

Аҳмадали Аскаров 1935 йил 25 сентябрида Буюк Туркистон заминида, Сирдарёning ўнг ирмоғи Норин дарёси бўйидаги Учтепа қишлоғида таваллуд топди. Отаси Кўзибоев Аскарали ва оналари Ҳамдамова Пайзихонлар оддий дехқон бўлишларига қарамай, улар тарбиялаб вояга етказган саккиз фарзандаларини зиёли бўлиб етишишларига алоҳида эътибор берганлар. Шунинг учун ҳам уларнинг барчаси олий маълумотли мутахассислар бўлиб, маориф, фан ва маданият-маърифат соҳаларида хизмат қилиб келмоқдалар.

Оиладаги эзгуликка ташнилик, меҳнатга бўлган иштиёқ руҳининг устуворлиги фарзандларнинг вояга етишувида алоҳида роль ййнаган.

Аскарали ота, фарзандлари орасида ёшлигидан ўқишга-ilmga интилиши билан эрта кўзга ташлана бошлаган ўғли Аҳмадали сиймосида бўлажак олим, ота-она орзусидаги инсон бўлиб етишини кўз ўнгига келтира олганмиканлар? Буниси ёлғиз Эгамни ўзига аён. Аммо миришкор дехқон Аскарали ота фарзандларнинг барчасини бирдек дуо қилас, уларни эл ардоқлаган инсонлар бўлиши орзуисида меҳнатдан боши чиқмаганлигини устоздан кўп эшитганмиз. Мана устоз мисолида гувоҳмизки, Аскарали ота ўз фарзандларини ҳакиқатда ҳалол меҳнат билан яшаш руҳида тарбиялай олган. Дарҳакиқат, донолар айтганидек, ўқиш, билим олишга интилиш ҳам меҳнат ҳисобланади. Халқ ўғитлари хазинасида «меҳнатнинг таги-роҳат» деган мақолни борлиги бежиз эмас, албатта. Шунинг учун ҳам Аҳмадали мактабда ўқиб юрган кезларидаёқ ўқимишли, ҳаёт аччиқ-чучукларини татиган устозлари ўғитини олишга интилар, мактаб устозлари томони-

дан тавсия этилган илмий ва бадиий адабиётларни қунт билан ўқир, устозларга чуқур ҳурмат эса унинг ҳаёт тамойилига айланган эди. Мактаб кутубхонасидан бошланган, илм хазинаси-кутубхоналарга бўлган интилиш, Аҳмадалининг бир умрлик турмуш тарзига айланди, уни маънавий камолатга етаклади.

Аҳмадали Аскаров Наманган вилояти, Норин туманидаги ўрта мактабни 1952 йили аъло баҳолар билан тамомлагач, Ўрта Осиё Давлат Университетига (САГУ) шарқшунос бўлиш орзу-сида кириш имтиҳонларини топширди, аммо юқори кўрсат-кичларга эришсада, танловдан ўта олмади, уни ўша имтиҳон баҳолари билан Тошкент Давлат Юридик институтига қабул қилишди. Аммо Аҳмадали Аскаров ота-онасининг норозилиги туфайли бир чорак ўқишидан сўнг она қишлоғига қайтиб, ўзи ўқиган мактабда иш бошқарувчи бўлиб ишлади. Келгуси йили (1953) Низомий номидаги Тошкент Давлат Педагогика институ-тининг тарих-филология факультетини тарих бўлимига ўқишига кирди.

Талабалик йилларидаёқ ўзбек археологиясининг отаси, таникли олим академик Яхё Ғуломовнинг илмий маърузалари ва у киши билан бўлган мулоқотлар ёш Аҳмадали Аскаровнинг кейинги ҳаёт йўлини белгилаб берди. Чунки, устоз Я.Ф. Ғуломов институтда Ўзбекистон археологиясидан маҳсус курс ўқирдилар. Талабалик даврида бошланган устоз-шогирдга хос илк муносабатлар узоқ йиллар давом этиб, ўзининг самарали маҳсулини берди. Бир неча ўн йиллар ўтгач, олим ўз ҳаётида из қолдирган уч устози ҳақида хотирлаб шундай ёзади: «Мен ўз касбим бўйича фан сирларини билишда устозларим Я.Ф. Ғуломов ва М.П. Грязновлардан сабоқ олган бўлсан, раҳбарлик иш фаолиятим сирларини яна бир академик-устоз И.М. Мўминовдан ўргандим» (А. Аскаров).

Аҳмадали Аскаров 1957 йили ўқишини тугатиб мактабда бир йил тарихдан ўқитувчилик қилганидан сўнг, илмга бўлган чанқоқлик уни Республика Фанлар академиясининг тарих ва археология институтига етаклаб келди. Аспирантурани узоқ Нева соҳили - Ленинград (хозирги Санкт-Петербург) шаҳрида, машҳур археолог М.П. Грязнов раҳбарлигида муваффақиятли якунлади. 1963 йили «Зарафшон дарёси этаклари бронза даври-

да» мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилиб Тошкентга, қадрдон илм даргоҳига қайтиб келди. Дастрраб кичик илмий ходим (1961-1963), сўнг катта илмий ходим (1963-1966), кейинроқ археология йўналиши бўйича директор ўринbosари (1966-1970) лавозимларида хизмат қилди.

Ёш мутахассисдаги ташкилотчилик қобилияти, археология фанига бўлган фидоийлик, ўзига ва атрофидагиларга нисбатан талабчанлик, ҳаётда ва илмдаги принципиаллик, ҳалол-поклик ўша пайтдаёқ Ўзбекистон ФА раҳбарияти эътиборини ўзига тортди. Нихоят, Аҳмадали Аскаров 1970 йили янги ташкил этилган Археология институтининг директори этиб тайинланди.

Энди Аҳмадали Аскаров зиммасида ҳукumat қарори билан янги ташкил этилган илм даргоҳи - Ўзбекистон ФА Археология илмий-тадқиқот институтини илмий ва ташкилий жиҳатдан уюштиришдек оғир ва масъулиятли вазифа турарди. Аҳмадали Аскаров ва унинг сафдошлари (А. Муҳаммаджонов, Ў. Исломов, Ю. Буряков, М. Қосимов, Р. Сулаймонов, А. Абдураззақов, Т. Мирсаотов, М. Филанович, Т. Ходжайов, Ш. Ильхомов, Х. Дуке, Н. Тошкенбоев ва бошқалар) Ўрта Осиёда илк бор ташкил этилган ушбу институтни оёққа турғизиб олишда ҳақиқий фидоийлик қилдилар. Самарақандда очилган Археология институтининг шакллантиришда Аҳмадали Аскаровнинг илмий ташкилотчилик ва раҳбарлик хизматини алоҳида қайд этиш зарур. Чунки, янги очилган институт биносини курдириш ва уни тегишли малакали кадрлар билан таъминлаш ўз ўзидан бўлавермас эди. Бу йўлда учраган сунъий тўсиқлар ва институтнинг жуда оғир кечган ташкилий шаклланиш жараёни ёш директорни чўчитмади, у ўзига хос қатъий иродада билан ҳаёт аччик-чучукларини тотишга кўникиб, институтни нафақат Ўрта Осиё минтақасида, балки собиқ СССР, ҳатто дунё миқёсида тан олинган илмий марказ даражасига кўтара олди. Аҳмадали Аскаров ташаббуси ва бевосита раҳбарлигига институт базасида бир неча бор минтақавий, бутун иттифоқ ва халқаро миқёсида илмий конференциялар, симпозиумлар ташкил этилди. Унинг бевосита раҳбарлигига бирдам, ахил археолог-олимлар жамоаси шаклланди, ўзига хос «Самарқанд археология мактаби» ташкил топди.

\* \*

\*

Аҳмадали Аскаров нафакат ташкилотчи раҳбар, балким ҳақиқий фан заҳматкашларидан биридир. У Бухоро, Қарши-Сурхон чўлларида, Тошкент ва Фарғона воҳаларидан тортиб то узоқ Сибирь кенгликларигача бўлган худудларда кўплаб археологик изланишлар ўтказган фидоий тадқиқотчи ҳамдир. Шу давр мобайнида олим Бойкўл (Байкал), Красноярск, Моҳандарё, Жанубий Туркманистон археологик экспедицияларининг илмий-тадқиқот ишларида фаол қатнашди. Домланинг кўп йиллик илмий изланишлари 12 та монографик йирик асарлар, (шулардан 2 таси дарслик-қўлланма) ва 300 дан ортиқ илмий, илмий-оммабоп ишларда ўз аксини топган.

Устознинг илмий фаолияти кўп киррали бўлиб, ватанимиз тарихи ва маданиятига оид кўплаб соҳаларни қамраб олган. Олим ўз тадқиқотлари билан Ўзбекистонда қадимги тарих фаонида янги йўналиш очди. Бу йўналиш ибтидоий жамоа тузумининг емирилиши, синфий жамиятни вужудга келиши, урбанизация жараёнларини бошланиши ва ривожланиши масалаларини археологик манбалар асосида ўрганилиши билан узвий боғлиқдир. Аҳмадали Аскаровнинг чоп этилган китоб, рисола ва мақолаларини қўйидаги 8 та катта илмий йўналиш бўйича умумлаштириш мумкин.

- I. Ўрта Осиёning бронза ва илк темир даври тарихи масалалари;
- II. Қадимги шаҳар маданиятининг шаклланиши ва илк давлатчилик масалалари;
- III. Ўзбек халқининг келиб чиқиши тарихи муаммолари;
- IV. Археология фанининг илмий-услубий ва назарий асослари;
- V. Кўп жилдли фундаментал тарихий асарларни яратишдаги иштироқи;
- VI. Орийлар муаммоси ва ўзбек миллий кураши тарихи;
- VII. Илк зардуштийликнинг археологик материалларда акс этиши.
- VIII. Академик А. Аскаровнинг илмий-ташкилий ва педагогик фаолияти.

## I. ЎРТА ОСИЁНИНГ БРОНЗА ВА ИЛК ТЕМИР ДАВРИ ТАРИХИ МАСАЛАЛАРИ

Бу тарихий давр олимнинг илмий ижодий фаолиятида алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, кашфиётлар ва принципал илмий хулосаларга бойдир.

У илмий изланишларини Бухоро вилоятидан бошлади. Унинг ибтидоий давр ёдгорликларини ўрганиш борасида қилган ишлари Зарафшон ва унинг ирмоқлари бўйлаб устоз академик Я.Ф.Ғуломов олиб борган илмий қидирув ишлари билан узвий боғлиқдир. Ўрта Осиё шароитида бронза даври ибтидоий жамоа хўжалигининг икки йўналишда ривожланиши ҳақидаги устоз Я.Ф.Ғуломов ўртага ташлаган фоя Аҳмадали Аскаровнинг илмий изланишлари туфайли янги маълумотлар билан бойитилди. Хусусан, Аҳмадали Аскаров чўл ва дашт минтақаларида яшаган чорвадор қабилаларнинг маданиятини ўрганиш ишида салмоқли натижаларга эришид. Айниқса, Замонбобо маданиятининг ўрганишда олимни алоҳида хизматларини таъкидлаш лозим. Бу маданиятга оид қадимги қабристон ва ибтидоий қишлоқ қолдиклари очиб ўрганилди. Уй-жой курилиши, моддий маданият ашёлари ва дағн урф-одатларини чуқур таҳлил қилиш натижасида дашт-чўл худудларига хос бўлган Замонбобо маданияти таърифлаб берилди ва алоҳида қадимги маданият сифатида археология фанига киритилди. Тадқиқотчининг чўл-дашт ерларда яшаган қадимги аҳолидан қолган ёдгорликларни даврлаштириш ва улар қолдирган моддий маданият изларини ўрганиш масалаларига доир 20 дан ортиқ илмий мақолалари ва бир китоби (Первобытная культура в низовьях Зарафшана) ҳаммуалифликда чоп этилган (10).

А.Аскаровнинг илмий фаолиятидаги етакчи йўналишлардан яна бири Жанубий Ўзбекистон - қадимги Бақтрия худудидаги бронза даври ёдгорликларини ўрганилиши, уларнинг қадимги Шарқ цивилизациясида тутган ўрни ва аҳамиятини очиб берилишидир. Бу йўналишда, А. Аскаров Жанубий Ўзбекистонда бронза даври ёдгорликларини фундаментал ўрганиш бўйича 1969 йилда маҳсус экспедиция ўюштириб, унинг фаол қатнашчиси ва доимий илмий-раҳбари бўлиб қолди. Сополлитепа ва

ундаги қабристон тўлалигича очилди, (бундай ҳолат археология фанида камдан-кам учрайди). Сополлитепа нафақат бой топилмалари билан, балким у бошқа ёдгорликларни ўрганишда ўзига хос ноёб «эталон» ёдгорликка айланганлиги билан ҳам қимматлидир. Пшактепа, Кучуктепа, Жарқўтон, Бўстон каби қадимги шаҳар ва қишилқ қолдиқлари, улар билан боғлиқ дафиналар мунтазам равишда ўрганилиб, Марказий Осиё археологиясида ўз ўрнини топди. Олимнинг Жанубий Ўзбекистон ёдгорликларида олиб борган узоқ йиллик изланишлари натижаси 6 та илмий монография ва 100 дан ортиқ илмий рисола ва маколаларда умумлаштирилди (қуйида асарлар рўйхатига қаранг). Ана шу асарларда чиқарилган муҳим илмий хуносалардан бири, Шимолий Бақтрияда қадимги Шарқ цивилизациясининг янги маркази - ўтрок дехқончилик ва илк шаҳар маданиятининг янги ўчоги, Сополли маданиятини фанга киритилиши бўлди. Бу маданиятнинг келиб чиқиши ва ривожланиш босқичлари изчил тўрт хронологик даврга бўлинди: Сополли - мил. авв. 1700-1500; Жарқўтон - мил. авв. 1500-1350; Кўзали - мил. авв. 1350-1200; Мўлали - мил. авв. 1200-1000. Жанубий Ўзбекистоннинг бронза ва илк темир даври ёдгорликларида олиб борилган сўнги изланишлар ва янгидан-янги илмий далилларнинг топилиши юқорида келтирилган саналарга баъзи бир тузатишлар киритилишини тақоза этди (215).

Сополли ёдгорликларини ўрганиш жараёнида кўлга киртилган минглаб топилмалар Ўзбекистон халқлари тарихида янгидан-янги саҳифаларни очди. Жумладан, қадимги дехқончилик маданияти деярли 1000 йилга, ипак ва пахта тарихи 2000 йилга қадимиylаштирилди. Ўзбекистон ипак ва пахтанинг илк ватанларидан бири эканлиги исботланди. Ўзбек давлатчилигининг илдизлари очиб берилди. Биринчи жаҳон дини зардуштийликни пайдо бўлиши ва шаклланиши Жанубий Ўзбекистон археологик ёдгорликлари мисолида кўрсатиб берилди.

Узоқ йиллар давомида олиб борилган узлуксиз дала тадқиқотлари, машақкатли меҳнат, ижодий изланиш А. Аскаровнинг «Жанубий Ўзбекистонда бронза даври дехқончилик маданияти» номли йирик асарини нашр этилиши билан ўз якунини топди

(45). Бу китоб олимнинг барча асарлари ичидаги умумлашма ва хулосаларга бойлиги билан ажралиб туради.

Олимнинг муҳим илмий изланишларидан яна бири, бу археологияда тортишув бўлиб келаётган муаммога, яъни милоддан аввалги II-минг йилликнинг охири - милоддан аввалги I-минг йилликнинг бошларига оид «Яз I» типидаги маданиятнинг келиб чиқишини ойдинлаштиришга ҳисса қўшиши бўлди. Аввалимбор шуни айтиш керакки, бу маданиятга оид ёдгорликларнинг бир неча умумийлик белгилари бор: масалан, ёдгорликларнинг бир тарихий вақтга тўғри келиши, уларда бўёқ билан гул солинган сопол идишлар мавжудлиги, кулолчиликда чархдан фойдалан-маслик, ниҳоят меҳнат қуроллари ва зеб-зийнат ясашда бронза (жез) билан бир қаторда темирдан биринчи бор фойдаланишга ўтиш ва бошқалар. Бугунги кунда Ўрта Осиёнинг 10 дан ортиқ географик минтақаларида ана шундай ёдгорликлар мавжудлиги аниқланган. Бу маданияти - тадқиқотчилар томонидан Чуст маданияти (М.Э. Воронец, В.И. Спришевский, Ю.А. Заднепровский) деб фанга киритилди. Ўрта Осиёнинг жанубий ҳудудларида, юксак ривожланган ўтрок дехқончилик маданиятидан сўнг (Номозгоҳ, Олтинтепа, Сополли, Дашли ва бошқалар), Чуст маданиятига хос археологик комплексни пайдо бўлиши кўпчилик тадқиқотчиларни ўйлантириб қўйганди. Натижада, бу маданиятни келиб чиқиши масаласида олимлар орасида бир неча ғоя-фикрлар илгари сурила бошланди. Масалан, В.М.Массон, Ю.А.Заднепровскийлар Яз-1 типидаги комплекс Ўрта Осиёнинг маҳаллий қабилаларига Жанубий Туркманистоннинг юксак ривожланган Номозгоҳ маданияти қабилаларининг таъсири туфайли вужудга келган, дейдилар. Бошқа бир гурух олимлар бу маданият эгалари Ўрта Осиёга Шарқий Эроннинг маълум бир нуқталаридан кўчиб келган деб қарайдилар (В.И. Сарианиди, Е.Е. Кузьмина). Бу масалада А. Асқаров Сурхондарёдаги Кучуктепа ва унга ўхшаш ёдгорликларда илмий-қидириув ишлари олиб боргандан сўнг тамоман янги фикрни ўртага ташлади, яъни Ўзбекистондаги Чуст, Бургулиқ, Кучуктепа каби археологик комплексларни шаклланиши туб жойли чорвадор аҳолининг бир қисмини маҳаллий шароит имкониятларидан келиб чиқкан ҳолда ўтрок дехқончиликка ўтиши туфайли содир бўлди, дейди.

Аҳмадали Асқаровнинг асарларида қадимги Бақтрия археологик комплекси масаласи кўтарилиб, бу комплекс минтақада аҳмонийларгача маҳаллий асосда пайдо бўлганлиги исботланди ва унинг бошланиш санаси (милоддан аввалги VIII аср) ва хронологик доираси (милоддан аввалги VIII-IV асрлар) белгилаб берилди. А.Асқаров биринчилардан бўлиб, бу археологик комплексни Эрон аҳамонийлари билан боғлашни асоссизлигини ва у келиб чикиши жиҳатидан жанубий Ўзбекистон ва шимолий Афғонистоннинг юксак даражада ривожланган бронза даври маданиятининг маҳаллий илдизлари билан боғлиқ эканлигини очиб берди (55). А.Асқаровнинг ташаббуси ва бевосита ҳаракатлари билан Сурхондарё вилоятининг Шеробод райони Оққўрғон қишлоғида қадимги шаҳар маданияти ҳақида ҳикоя қўйувчи маҳсус археология музейи Ўрта Осиёда биринчи бор ташкил этилди. 1983 йилда ташкил топган бу қишлоқ музейи ҳозир ҳам кенг жамоатчиликнинг эътиборидан тушгани йўқ.

## **II. ҚАДИМГИ ШАҲАР МАДАНИЯТИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА ИЛК ДАВЛАТЧИЛИК МАСАЛАЛАРИ**

1970-йиллардаёқ А.Асқаров Ўзбекистонда (хусусан унинг жанубий районларида) урбанизация жараёни анъанавий қарашлардан фарқли ўлароқ анча эрта бошланганини қаттиқ туриб ҳимоя қилди. Илк шаҳарларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиш босқичларини ўрганишда А.Асқаровнинг Сополли, Жарқўтон, Бўстон каби ёдгорликларда олиб борган қазишма ишлари алоҳида аҳамият касб этади. Сополлитепада шаҳар маданиятининг дастлабки белгилари кузатилган бўлса, Жарқўтонда бундан 3,5 минг йил олдинги шаҳар маданияти билан боғлиқ оташпаратстлик ибодатхонаси, шаҳар ҳокимининг саройи, мудофаа девори билан ўралган «арк» қолдиқлари очилди. А.Асқаров илмий асарларида фанда мавжуд бўлган қарашлардан тубдан фарқ қилиб, Ўзбекистонда ilk шаҳарларнинг пайдо бўлиши тарихини роса минг йилга қадимиylashтирилди, яъни ilk шаҳар санаси милоддан аввалги II минг йиллик ўрталари билан белгиланди.

А.Аскаров илк шаҳарларни пайдо бўлиши ва ривожланиши борасидаги туркум қашфиётлари учун гурух илмий раҳбари сифатида 1985 йилги Ўзбекистон Республикасининг Абу Райхон Беруний номидаги Давлат мукофотига сазовор бўлди. 1984 йилда у Ўзбекистон Фанлар академиясининг мухбир аъзоси ва 1987 илии эса Ўзбекистон Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси қилиб сайланди.

Олим ҳозирги кунда ҳам Ўзбекистоннинг тарихий воҳаларида қадимги урбанизация жараёнларини қандай кечгандилиги масалалари билан шуғулланишда давом этмоқда. Унинг шогирдлари қатор минтақаларда домла маслаҳатларига амал қилган ҳолда кенг қўламли тадқиқот ишларини олиб бормоқдалар. Урбанизация жараёнларига бағишлиланган кўплаб асарлар эълон этилмоқда. 1994 йили устоз шогирдларидан бири, тарих фанлари доктори Т.Ш.Ширинов билан ҳамкорликда «Ўрта Осиёда бронза даври илк шаҳарлар маданияти» номли йирик монографияни чоп этишиб.

Қадимги шаҳарларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши илк давлатлар тарихи билан узвий боғланган. Бу муаммо бўйича ҳам Аҳмадали Аскаровнинг 20га яқин илмий мақолалари нашр этилган бўлиб, уларда Ўзбекистонда синфий жамият ва илк давлатлар тарихини ўрганиш борасида маълум бир йўналишга асос солинган. Муаллиф Ўзбекистон ҳудудларида илк давлатчиликнинг илдизлари бронза даврига бориб тақалишини асослаб берди. Ўзбекистонда илк давлатчиликнинг таркиб топиш масаласи унинг Сурхондарё вилояти ҳудудларида олиб борган тадқиқотларига асосланган бўлиб, бу жараён илк темир даврига келганда республиканинг барча ҳудудларини камраб олганлиги исботланди.

А.Аскаров давлатчилик тарихини ўрганишда ёзма ва археологик манбаларни қиёсий таҳлил этиш туфайли Ўрта Осиёда ҳарбий демократик принципларга асосланган илк темир даврининг дастлабки иккита давлатлар конфедерациялари бўлган, деган ғояни ҳимоя қилиб чиқди. Булар «Катта Хоразм» ва «Қадимги Бақтрия подшолиги»дир. Антик даврига келиб, Узбекистон ҳудудларида Юонон-Бақтрия, Қанғ, Даван (Фарғона) каби давлатлар пайдо бўладики, улар Ўрта Осиё қадимги давр мада-

ниятида сезиларли из қолдирғанлар. Кейинги пайтда эълон этилаётган мақола ва китобларда илк давлатларнинг асосий хусусиятлари (ўрни, тузилиши, бошқарув усуллари, уларнинг пойтахти ва шаҳарлари) кенг ёритилган, яъни ушбу давлатлар эркин дехқон жамоаларининг дехқончилик хўжалигига асосланган ва патриархал қулчилик характеристидаги давлатлар эканлиги исботлаб берилди. У «Катта Хоразм» давлат конфедерациясига, мавжуд қарашларга зидли ўлароқ, Амударёнинг кўйи ҳавзалари кирмаганлигини, «Катта Хоразм» ва «қадимги Хоразм» давлатлари ўртасида худудий фарқ борлигини чуқур таҳлил этиб берган (199).

### **ІІІ. ЎЗБЕК ХАЛҚИННИНГ КЕЛИБ ЧИҚИШИ ТАРИХИ МУАММОЛАРИ**

Тарихимиздаги энг муҳим, нозик ва ечилиши керак бўлган масалалардан бири ўзбек халқининг келиб чиқиши тарихидир. Бу муаммо узоқ вақтлардан бери кўплаб соҳа мутахассислари томонидан ўрганилиб келинмоқда. Аммо, бу масалага қизиқиш кейинги 20-30 йил ичida тўплangan археологик ва антропологик материалларни ортиши ва айниқса, Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг янада кучайди. Бу борода академик А.Аскаров турли соҳа олимлари (археологлар, тарихчилар, шарқшунослар, тилчилар, антропологлар, фольклоршунослар, элшунослар, нумизматлар) жамоасини бирлаштириб самарали ишларни амалга оширмоқда. У ўз тадқиқотларида иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва генетик-популяция соҳаларини чуқур тадқиқ этишни асосий вазифа килиб кўйди. Халқларни келиб чиқиши масаласида у қатъий туриб ҳимоя қилаётган илмий концепция - ҳар бир халқнинг келиб чиқиш тарихи икки қисмдан-этногенез ва этник тарихдан иборат эканлиги масаласидир. Халқ тарихининг этногенез қисми унинг элат, халқ бўлиб шакллангунига қадар давом этган тарихдан иборат. Этногенез якунида этносга хос барча этник белгилар ва омиллар мужассамлашган бўлади. Фанда этносни уюштирувчи зарурий ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий омиллар ва этник белгилар мавжуд. Улар этногенезнинг ажралмас бўлаклари бўлмиш худудий бирлик, ижтимоий-иқтисодий

хўжалик бирлиги, этно-маданий бирлик, тил бирлиги, этник ном бирлиги, ўзликинг англаш бирлиги ва ниҳоят этно-сиёсий бирлик, яъни сиёсий давлат уюшмаси бўлиб, қачонким уларнинг барчаси содир бўлгандагина этнос-халқ шаклланиши ўз ниҳоясига етади. Аҳмадали Аскаровнинг таъкидлашича этнос шакллангач халқнинг этник тарихи бошланади. Этник тарих эса феодал жамиятининг ижтимоий маҳсулидир. У ҳам этногенез каби узоқ давом этадиган этнотарихий жараён бўлиб, қачонким жамият капиталистик ишлаб чиқариш муносабатларига ўтгач, этник тарих (халқ тарихи) ўзининг миллат босқичига ўтабошлайди (А.Аскаров).

Маълумки, Ўрта Осиё қадимдан ўтрок дехқончилик маданияти ўчоги ҳисобланган. Бу ерда азал-азалдан Турон халқларининг (айниқса, ўзбек ва тожик хақлари) бобоколонлари ёнма-ён, қонқардош бўлиб яшаганлар. Улар ижтимоий-иқтисодий ва маданий жараёнда деярли бир вақтда халқ, элат сифатида шаклландилар.

Археолого-этнографик ва ёзма манбаларга кўра милоддан аввалги VIII-VII асрлардан эътиборан ҳозирги Ўзбекистон териториясида яшаган аҳоли ўзлари истиқомат қилган воҳалар номи билан Сўғдиёнада-сўғдийлар, қадимги Бақтрияда - бохтарлар, мил. аввалги VI асрдан қадимги Хоразмда - хоразмийлар, мил. аввалги IV-III асрлардан қадимги Фарғонада-фрағоналиклар, қадимги Чочда - чочликлар, атрофдаги даштлар аҳолиси саклар деб аталган. Улар ҳозирги Туркистон халқларининг элат сифатида шаклланишида асосий этник қатламни ташкил этганлар. Улар то халқ бўлиб шакллангунларига қадар узоқ тарихий жараённи босиб ўтганлар.

Шунинг учун бўлса керак, ташки қиёфасида ўхшашлик ва яқинликлар кузатилади. Ҳусусан ҳозирги ўзбеклар ва воҳа тожикларига хос тип «Ўрта Осиё икки дарё оралиги типи» дейилади (А.Аскаров). Бу ирқий тип антропологик маълумотларга кўра олдинги - неолит ва бронза даври материалларида учрамайди. Профессор Т.К.Ходжайов хulosасига кўра, фақатгина милоддан аввалги биринчи асрлар охири ва милодий эранинг биринчи асрлар бошларида Ўрта Осиё шимолида ҳозирги ўзбек ва воҳа тожикларига хос «икки дарё оралиги типи» шаклланади.

Аҳмадали Асқаров дастлаб ишни ўзбек халқининг этногенез ва этник тарихини маълум изчил хронологик даврлаштиришдан бошлади. Унинг кейинги йилларда олиб борган тадқиқотларида ўзбек этногенезининг бошланиши бронза давридан бошланади, деган ғояни ўртага ташлаш бўлди. Шу муносабат билан муаллиф қатор илмий мақолаларини ўзбек этногенези ва этник тарихини назарий ва методологик масалаларига бағишилади (90, 179, 195). Туркий этнос бу заминда жуда қадимдан мавжуд эканлигини (бронза даври) илмий асослади. Ўзбек халқи туб жойли турк-сўғдий этномадани майдонда шаклланганлигини исботлаб берди. Аҳмадали Асқаров илмий хulosаларида ўзбек халқини келиб чиқишининг биринчи босқичи сўнгги бронза даври бўлса, унинг иккинчи босқичи юечжи, хионит, кидарит, эфталитлар билан боғлиқ эканлигини таъкидлайди. Айни вақтда археологик материаллар таҳлили шуни кўрсатадики, милоднинг II-III асрларидан «қовунчи» маданияти таъсири Фаргона водийсига, Сўғдни марказий районларига, кейинроқ IV-V асрларда Бухоро, ҳатто Сурхондарё ёдгорликларида кайд этилади (90). Этник жиҳатдан бу маданият таъсирини ёйилишини А. Асқаров туркий тилли халқларнинг тарқалиши билан боғламоқда. А. Асқаровнинг этник тарих соҳасида муҳим хulosаларидан яна бири, туркий тилли халқ-элатлар жуда қадимдан Сирдарёнинг ўрта ҳавzasида яшаб келадилар, деган фикридир. Узоқ вақт фанда туркий тилли халқларни ҳозирги ўрнашган ерларга Олтой томондан оммавий кўчиб келган, деган мавҳум фикр бор эди. Бу ғояни акси ўлароқ, А.Асқаров ўзининг қатор илмий ишларида антропологик ва археологик материалларга асосланиб, туркий тилли аҳоли хунлар келишидан (мил.авв. II-I асрлар) олдин ҳам икки дарё оралиғида яшаганлигини исботлашга ҳаракат қиласди.

III-босқич- милодий эранинг VI асрнинг 2-ярмидан бошланади. Ўрта Осиё ерларини Турк ҳоқонлиги тасарруфига ўтиши туркийлашиш жараённи тезлаштирди. Археологик ва ёзма маълумотларга кўра Тошкент воҳасида бу даврга келиб турк тудонлари ҳоким эдилар. Туркий ва сўғдий забон элатларни бир-бирлари билан аралашиб жараёни кучаяди. Ўрта Осиё ҳудудларида туркий жой номлари кўпаяди.

IV босқич IX аср 40-йилларида қарлуқлар давлати ташкил топиши билан боғлиқдир. Катта территориядаги аҳолининг моддий-маданияти, тил, жисмоний тузилишида бўлган умумийлик (ўхшашлиқ) каби этник белгилар қайд этилади.

V босқич XI-XII асрдан, яъни корахонийлар сулоласи даврида Моварауннаҳр территориясида ўзбек халқи этногенезининг узил-кесил шаклланиш жараёни билан тугалланади.

VI босқич XIII-XV асрлар Хоразмшоҳ ва Темурийлар даврига тўғри келади. Бу даврда ўзбек халқининг этно-сиёсий, этномаданий, ижтимоий-иктисодий ва тил соҳаларидаги тарихий таракқиёти давом этади. Эски ўзбек адабий (Навоий, Бобурлар) тили қўхна қарлук-чигил лаҳжаси асосида расман шаклланади.

VIII босқич -XVI-XVIII асрларга тўғри келади ва Дашти қипчоқнинг туркий тилли халқи қўчиб кела бошлиши билан уларни маҳаллий туркий ва туркийлашган аҳоли билан аралашиб кетиши рўй беради. Шайбонийхон қўшинлари орасида туркийлашган мўғул уруғлари қўпчиликни ташкил этарди. Улар орлот, дўрмон, қўнғирот, манғит, нукус, чимбой, кенагас, минг уруғлари туркийлашган аймоқлар бўлиб, улар узок вақт алоҳида этник гуруҳ сифатида яшаб қолавердилар. Бу уруғлар кейинчалик ўзбек миллатининг шаклланишида муҳим роль ўйнадилар (133).

Академик Аҳмадали Аскаровнинг этногенез масаласида илгари сураётган ғоялари, баъзи бир зиёлилар қарашларидан кескин фарқ қилиб, ўзбек халқининг келиб чикиши тарихини қўшни тожик, қирғиз, туркманлар тарихи билан бир бутунликда, яҳлит ҳолда ўрганиш муҳимлигини таъқидлайди. «Марказий Осиё халқларининг келиб чиқиш илдизи, ўқ томири битта. Агар у халқларни мевали дарахтга ўхшатсак, ўша дарахтнинг танаси, ўқ илдизи сак-массагет, сўғдий, хоразмий, боҳтар, оччилик ва фрағоналик эди. Ана шу тананинг бир пайванд шохи тожик бўлса, иккинчи пайванд шохи қирғиз бўлса, тўртинчи пайванд шохи туркман эди. Бешинчи пайванд шохи қозоқ бўлса, яна бир пайванд шохи қорақалпок халқи эди. Демак, Ўрта Осиё худудида кадимдан яшаган туркий ва форсий халқларининг илдизи бирдир» (133).

Этногенез масалалари борасидаги комплекс тадқиқотлар давом этмоқда. Ўтган 2004 йили академик Аҳмадали Асқаров раҳбарлигига «Ўзбек халқининг келиб чиқиши тарихи» конпекциясига бағишланган маҳсус Республика миқёсидағи назарий ва илмий-методологик семинар ўтказилди, унинг материаллари эълон қилинди (195). Таъқидлаш жоизки, Аҳмадали Асқаров этнос тарихининг назарий ва илмий-методологик масалаларига бағишланган услубий мақолаларида «халқ» ва «миллат», улар ўртасидаги этно-сифат белгиларига алоҳида эътибор қаратади. Бу ҳақда ҳозиргача фанда аниқ тасаввур йўқлигини таъқидлайди ва ушбу масалада ўзининг аниқ фикр-мулоҳазаларини баён этиди (179,195).

#### **IV. АРХЕОЛОГИЯ ФАНИНИНГ ИЛМИЙ-УСЛУБИЙ ВА НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ**

Қадимги тарихимизнинг ўрганиш бобидаги мураккаб масалаларни ечилиши кўп жиҳатдан археологик қазишмалардаги қўлланиладиган услубиётта ва назарий йўлланмаларга боғлиқ. Аҳмадали Асқаров ўз илмий-ижодий фаолиятида илғор, замонавий илмий-услубий ёндашишлардан фойдаланишга ҳаракат қилди ва уларни ўзи ўрганаётган ёдгорликларда тадбиқ этди. Бунинг мисоли сифатида Сополли ва Жарқўтон ёдгорликларида олиб борилган қазиш пайтида ва лаборотория шароитида фойдаланилган табиий ва аниқ фанлар услубларини келтириш мумкин. Умуман, 1969 йиллардан Аҳмадали Асқаров раҳбарлигига фаолият кўрсатаётган Сурхондарё комплекс археологик экспедицияси туарар-жойларнинг меъморий колдикларини, қадимий қабрларни қазиб очиш бўйича мукаммал ўз услубини ишлаб чиқди. Бу услубий йўллардан ҳозирда ҳам, келажакда ҳам кўплаб археологлар дастурамал сифатида фойдаланадилар.

Моддий маданиятимиз жонкуяри ташаббуси билан Археология институтида дала-қидирув қазишма ишларини назорат қилувчи орган-дала тадқиқотлари қўмитаси тузилди. Археолог мутахассисларга амалий ёрдам сифатида биринчи бор ушбу қўмитани изоҳли қўлланмаси нашр этилди. Олим узоқ йиллар раислик қилган бу қўмита Ўзбекистон худудида археологик

қазиши мешалари сифати ва улардаги қазиши услубиятини назорат этувчи ягона ташкилот бўлиб келмоқда.

Тадқиқотчининг умумтариҳий ва маданий-ижтиомоий соҳалар бўйича қилган назарий ишларини ҳам келтириб ўтиш зарур. Айниқса, дастлабки шаҳарлар ва урбанизация жараёнлари назарий асосларини ишлаб чиқилганини эслатиб ўтиш ўринлидир. Археологик материалларни жалб этиш асосида илк шаҳарларни «моделлаштириш» ва бу асосда тариҳий жараённи тиклаш борасида маълум натижаларга эришилди. Сополлитепа учун археологик ва этнографик материаллар асосида (ёдгорлик майдони, мудофаа деворлари, хунармандчилик ривожини солиштириб) ёдгорликнинг ҳар бир тариҳий давридаги аҳоли сони, уни яшаш жойига нисбатан зичлиги, аҳолига кетган озиқ-овқат (буғдой) миқдори хисоблаб чиқилди (45, 100).

Бу маълумотлар Ўзбекистоннинг жанубдаги бошқа бир катта ёдгорлик, Жарқўтонда тўлдирилди, шаҳар маданиятининг кейинги ривожини ўрганиш чукурлаштирилди. Сополли – Жарқўтон шаҳар маданияти босқичма-босқич ривожланганлиги, кичик бир ҳудуддан катта воҳаларга ёйилганлиги бой археологик материаллар асосида назарий жиҳатдан исботланди. Муаллиф ҳамкаслари билан ҳамкорликда археологиянинг назарий услуби бўйича маҳсус монография чоп этди (100).

## V. КЎП ЖИЛДЛИ ФУНДАМЕНТАЛ ТАРИХИЙ АСАРЛАРНИ ЯРАТИШДАГИ ИШТИРОКИ

Академик Аҳмадали Аскаров нафакат археология ва этнология илмининг том маънодаги етакчи мутахассиси, шу билан бирга тарихимизнинг турли босқичлари бўйича ҳам тан олинган олимлардандир. У узок йиллар Ўзбекистон Республикаси ФА Тарих институтида илмий ходим, катта илмий ходим ва директор ўринbosори вазифаларида хизмат этиб юрган кезларида 4 жилдли Ўзбекистон тарихининг фундаментал нашрининг 1-китобини тайёрлашда фаол қатнашди. «Уруғчилик жамоаси» деб номланган II-бобнинг 4-5 параграфларини муаллифи (12, 43-55 бетлар). А.Аскаров 1969 ва 1971йилларда рус ва ўзбек тилларида чоп этилган икки жилдли «Самарқанд тарихи» китобининг

муаллифларидан бири ҳисобланади. Устознинг археология соҳа-сида системали равишда олиб борган изланишларининг натижалари хорижий тилларда ҳам мақола ва китоб кўринишида чоп этилди. У 1981 йили инглиз тилида Нью-Йоркда чоп этилган «Bronze Age Civilization of Central Asia» китобининг муаллифларидан бири (72). 1982 йилда унинг «Kuchuk-Tere» монографияси немис тилида Германияда чоп этилди (75). Аҳмадали Асқаров ЮНЕСКО томонидан режалаштирилган 6 жилдли «History of Civilizations of Central Asia» номли фундаментал асарнинг 1-жилди (19- ва 20-боблар) муаллифларидан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликни қўлга киритиши муносабати билан ижтимоий-гуманитар фанлар қаторида тарих фани олдига ҳам масъулиятли вазифалар қўйилда. Собиқ совет тузуми даврида большевизм мафкураси исканжасида бузиб ёзилган тарихимизнинг адолат тарозисига солиб қайтадан, янги-ча қарашлар ва янгича ёндашув асосида ёзиш керак эди. Бу мурракаб вазифани бажаришни республикада Ўзбекистон ФА Тарих ва Археология институтлари ўз зиммаларига олдилар. Бу вазифа Ўзбекистоннинг энг қадимги даврларидан то ҳозирги кунга қадар бўлган ҳаққоний тарихини шу куннинг талаби асосида ёзишдан иборат эди. Ана шу муҳим ва долзарб муаммони ҳал этиш йўлида Аҳмадали Асқаров Тарих институтининг директори сифатида ҳам талай ишлар қилди; кўп жилди Ўзбекистон тарихининг дастури ишлаб чиқилди, ана шу дастур асосида Ўзбекистон тарихининг 3-жилди чоп этилди (1993 йил). Ана шу кўп жилдли Ўзбекистон тарихининг дастлабки икки жилдлари (1-2) бўйича академик Аҳмадали Асқаров ўзига юқлатилган бобларнинг ёзишни якунлади.

## **VI. ОРИЙЛАР МУАММОСИ ВА ЎЗБЕК МИЛЛИЙ КУРАШИ ТАРИХИ**

Академик Аҳмадали Асқаровнинг мустақиллигимиз муносабати билан тарихимиз сар чашмасига қўл урабошлаган яна бир муаммоларидан бири орийлар масаласидир.

Дарҳақиқат, совет даври тарихшунослигига, қадимги ҳинд ва эроний қабилаларнинг муқаддас китоблари-«Ригведа» ва

«Авесто»да орийларнинг илк ватани-Аръянам вайжа деб аталиб, у чорва ва яйловларга бой ўлка сифатида таърифланади. «Ригведа» ва «Авесто» тили ҳозирги замон Европа халқлари тили билан монанд эканлиги қайд қилиниб, Европа минтақасида, айникса Шаркий Европа худудларида олиб борилган археологик тадқиқотлар натижаларини орийларнинг ижтимоий ҳаёт тарзи билан қиёсий ўрганиш туфайли, орийлар тил жиҳатидан аслида эроний тиллар оиласига тегишли бўлган, тарих такозаси билан уларнинг бир қисми милоддан аввалги II-минг йилликнинг ўрталарида шимолий-ғарбий Хиндистон ва Эрон худудларида бостириб бориб ўрнашиб қоладилар-деган фикр мавжуд эди. Демак, қадимги эроний ва хинд қабилаларининг аждодлари Евросиё чўл ва дашт минтақаларининг азалий халқи бўлиб, қадими ги эроний тил жанубий минтақаларга ана шу юртлардан тарқалган, яъни ҳинду-эрон орийларининг маҳаллий аҳоли билан қарашуви туфайли, маҳаллий аҳоли орийлар тилини ўзлаштириб, минтақада эроний тил оиласи шаклланади. Шунинг учун ҳам уларнинг урф-одатлари, маданияти ва тилининг яқинлиги, диний тушунчаларининг бирлиги ва ниҳоят асосий сўз бойлигини умумилиги кўзга ташланади, деган тушунчалар хукмонлик қилиб келди. Демак, фандаги мавжуд тасаввурларга кўра, орийлар аслида эроний тилли кўчманчилар бўлиб, бу тилнинг илк ватани қадимда Оврўпа, аниқроги Шаркий Оврўпа минтақалари бўлган. Мана шу гоя Ўзбекистонда, хатто бугунги мустақиллик даврида чоп этилган адабиётларда ҳам ўз аксини топишда давом этмоқда (Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2003, 563 бет).

А. Асқаров юқорида келтирилган тушунчалар ҳақида ўз қарашларини баён этар экан, амалда шундай бўлганми; Наҳотки, Еросиё дашт минтақалари аҳолисининг «Ригведа» ва «Авесто» замонасидағи моддий маданияти, турмуш тарзи, антропологик типи бир-бирларига яқин, кўп жиҳатдан ўхшаш бўлсада, Тоғли Олтойда яшаган чорвадор жамоалар туркийда, унинг теваракатроф худудларда яшаганлари эрон забон бўлса? деган муоҳазаларга бориб, мустақиллигимиз берган фикр эркинлиги имкониятидан фойдаланиб, моддий ва ёзма манбалар асосида қатор илмий мақолалар эълон қилди ва тарихий ҳақиқатга мос келадиган фикрларни ўртага ташлади.(139,148,152,175,213,214).

А.Аскаров қадимги Хитой ёзма манбаларини бой археологик материаллар билан қиёсий солиштириш ва уларни илмий таҳлил қилиш натижасида куйидаги хулюсага келади: орийлар Евросиё чўл ва дашт минтақалари чорвадор қабилаларининг иқтисодий юксалишидаги кўчманчилик ҳаёт босқичининг ижтимоий маҳсулни, уларнинг ташаббускор ва тадбиркор жангавор қатлами, туғилиб келаётган дастлабки синфий жамиятнинг аслзодалар табақасидир. Улар тарихий тиљшунослик ва археологик тадқиқотларга кўра, аслида эроний тил соҳиблари эмас, балки қадимги Хитой кичик подшоликлари «ши»ларининг йилномалари таҳлилига кўра туркийда сўзлашгандар. Уларнинг милоддан аввалги II-минг йилликнинг ўрталаридан ҳаёт тақозасига кўра жанубий ўлкаларга, жумладан Ўрта Осиё минтақаларига оммавий Равишда кириб келганликлари археологик материалларда ҳам кузатилади. Улар кенг кўламда тарқалган ва доимий кириб келиб ўрнашиб қолган худудларда (Жанубий Туронда) илк ўрта асрларга келиб турк-сугдий ижтимоий этномаданий майдон таркиб топди. Оқибат натижада, бу тарихий майдон доирасида ўзбек ва тожик ҳалқлари шаклланади. Эрон, Афғонистон, Покистон ва Шимолий Ҳиндистон худудларига орийларнинг кириб бориши археологик материалларда яхши кузатилмасада, баъзи бир олимлар (С.П.Толстов, М.А.Итина) ҳинд водийси цивилизациясининг ҳалоқатини орийларнинг хужуми билан асослашга уринадилар. Бошқа гурух олимлар эса (Г.М. Бонгард-Левин, Г.Ф. Ильин) ҳараппа цивилизацияси ҳалоқати билан орийларнинг ҳинд водийсига кириб келиш вақти тўғри келмаслигини таъкидлайдилар. Бизнингча, милоддан аввалги II-минг йилликнинг иккинчи ярми давомида орийларнинг қайси бир бўлаги Эрон, Афғонистон ва Шимолий Ҳиндистон худудларига кириб борганлар. Буни қадимги ёзма манбалар-Ригведа ва Авесто ҳам тасдиқлайди. Аммо, орийлар на Ҳиндистон, на Шаркий Хуросон ва на Эроннинг маҳаллий аҳолиси тилини ўзgartириб юбора олмаган. Аксинча, Жанубий Эрон-Парсда маҳаллий асосда таркиб топган қадимги форс-дариј тили орийларнинг маҳаллий жамоалари устидан ўрнатган хукмронлик сиёсати туфайли ўсиб ва ривожланиб борган ва унинг географик доираси кенгайишига кейинги тарихий жараёнлар кенг имқониятлар яратган. Демак,

Ариана учун эроний тил ташқаридан кириб келмади, аксинча ўзга юртнинг истилочилари тили маҳаллий аҳоли тили томонидан ассиимиляция қилинди (214).

\* \*

\*

Мустақиллик йилларида Аҳмадали Аскаров кўтариб чиқкан масалалардан яна бири бу ўзбек миллий кураши тарихидир. Ўзбек миллий кураши тарихи жуда қадимий. Аммо унинг устидаги собиқ совет хокимиюти даврида хеч ким маҳсус тадқикот олиб бормади. Унинг туркӣ аҳоли орасида кенг тарқалган жуда қадимий спорт ўйинларидан бири эканлигига эътибор берилмади. Халқимиз тўй-томушаларида «фарғонача» ва «бухороча» номлари билан кенг тарқалган ўзбек миллий кураш тарихи билан қизиқиш мустақиллик мағкураси туфайли кун тартибига кўйилди.

